



## ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР САВДОСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Қодиржонов Адхамжон Мухторжон ўғли**

*Тошкент Кимё халқаро университети Наманган филиали в.б. доценти*

**ORCID:** 0009-0003-3022-6879

**Email:** [a.qodirjonov@kiut.uz](mailto:a.qodirjonov@kiut.uz)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss6/619](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss6/619)

### Аннотация

Сўнги йилларда мамлакатлар экспортида таркибий силжишлар кузатилиб, халқаро савдода хизматларнинг улуши ортиб бормоқда. Ҳар бир миллий иқтисодиёт мазкур тенденцияни инобатга олган ҳолда ислохотлар амалга ошириши ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашувда хизматлар бозори таклиф этаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга эътибор қаратиши лозим.

**Калит сўзлар:** хизмат, экспорт, ахборот технологиялари, INCOTERM, халқаро савдо

### ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛИ УСЛУГАМИ

### Аннотация

В последние годы наблюдаются структурные изменения в экспорте стран, увеличивается доля услуг в международной торговле. Каждая национальная экономика должна осуществлять реформы с учетом этой тенденции и уделять внимание эффективному использованию возможностей, предлагаемых рынком услуг при интеграции в мировую экономику.

**Ключевые слова:** услуги, экспорт, информационные технологии, INCOTERM, международная торговля

### ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР САВДОСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### Abstract

In recent years, structural changes have been observed in the export of countries, the share of services in international trade has increased. Each national economy must implement reforms taking into account this trend and pay attention to the effective use of opportunities offered by the services market when integrating into the world economy.

**Key words:** services, export, information technology, INCOTERM, international trade

### Кириш

Ахборот ва коммуникация технологиялари тараққиёти, транспорт ва ташиш имкониятларининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги кўп томонлама алоқаларнинг ривожланиши натижасида халқаро савдо, ҳусусан, хизматлар савдосининг ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, халқаро транспорт коридорларига чиқиш имконияти, табиий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда,

чекланган Ўзбекистон каби мамлакатлар учун жаҳон бозорига хизматлар савдоси орқали киришнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Сўнгги йилларда хизматлар савдо ҳажми товарлар савдосига нисбатан юқори ўсиш суръатларини қайд этиб бораётгани мазкур йўналиш истиқболда янги имкониятлар тақдим этишини кўрсатмоқда.

### **Адабиётлар шарҳи**

Иқтисодиёт ва ташқи савдо мавзуларига бағишланган илмий ишлардан кўриш мумкинки, хизматларни ташқи савдо объекти сифатида этиш нисбатан кеч бошланган. Хусусан, 1970-1980 йилларда товарлар ва хизматлар савдосининг фарқли жиҳатлари Шостак Лин, Берри Леонард каби олимларнинг ишларида кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>. Натижада, хизматлар билан боғлиқ экспорт фаолияти ҳам ўзига ҳос қийинчиликлар келтириб чиқариши Ли Дахренгер томонидан таъкидланган<sup>2</sup>.

Хизматлар экспортини ташкил этиш, ҳаридор билан алоқадорлик даражаси, шунингдек, истеъмолнинг хусусий унсурлари кейинчалик Жавалги, Мартинб Стивен каби қатор олимларнинг тадқиқотларида ёритилган<sup>3</sup>.

Айнан халқаро хизматлар савдоси тенденциялари эса Россиялик иқтисодчи Иванованинг ишларида ҳам ўрганилган бўлиб, хизматлар соҳасининг турли йўналишлари, унинг GATT бўйича таснифланиши кенг очиб берилган<sup>4</sup>. Яна бир тадқиқотчи, Денисова ҳам хизматларни айнан халқаро савдо нуқтаи назаридан 2 турга ажратишни таклиф этган<sup>5</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар И.С.Абдуллаев, Б.Ҳ. Қўзибоев ишларида хизматлар экспортининг минтақавий хусусиятларини таҳлил этган<sup>6</sup>.

### **Натижалар ва муҳокамалар**

Сўнгги йилларда хизматлар савдосининг юқори ўсиш суръатларини кузатиш мумкин. Бироқ унинг умумий халқаро савдо ҳажмидаги улуши 2023 йилдагина Пандемиядан олдинги давр кўрсаткичларига яқинлашганини кўришимиз мумкин (1-жадвал). Ўтган 5 йил мобайнида 2019 ва 2023 йилда халқаро савдонинг қарийб тўртдан бир қисми хизматлар ҳиссасига тўғри келганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2021 йилда унинг улуши 21,7 фоизни қайд этиб, таҳлил этилаётган давр учун энг кам бўлганини ҳам таъкидлаш лозим.

<sup>1</sup> Shostack, G. Lynn (1977), “Breaking Free from Product Marketing,” *Journal of Marketing*, 41 (April), 73–80; Berry, Leonard L. (1980), “Services Marketing Is Different,” in *Marketing Management and Strategy: A Reader*, Philip Kotler and Keith K. Cox, eds. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 278–86

<sup>2</sup> Dahringer, Lee D. (1991), “Marketing Services Internationally: Barriers and Management Strategies,” *Journal of Services Marketing*, 5 (3), 5–17.

<sup>3</sup> Javalgi, Rajshekhar G. and Charles L. Martin (2007), “Internationalization of Services: Identifying the Building-Blocks for Future Research,” *Journal of Services Marketing*, 21 (6), 91–97; Seggie, Steven H. and David A. Griffith (2008), “The Resource Matching Foundations of Competitive Advantage,” *International Marketing Review*, 25 (3), 262–75. Styles, Chris, Paul G. Patterson, and Vinh Q. La (2005), “Exporting Services to Southeast Asia: Lessons from Australian Knowledge-Based Service Exporters,” *Journal of International Marketing*, 13 (4), 104–128. Sharma, Arun, Nikolaos Tzokas, Michael Saren, and Panagiotis Kyziridis (1999), “Antecedents and Consequences of Relationship Marketing,” *Industrial Marketing Management*, 28 (6), 601–611.

<sup>4</sup> Иванова Н.А. Основные тенденции развития торговли услугами в мировой экономике. Институт торговой политики НИУ ВШЭ Торговая политика. Trade policy / 2019. № 3/19. ISSN 2499-9415.

<sup>5</sup> Денисова Е.М. Экспорт услуг: Основные тенденции в России/научная статья-Актуальные вопросы экономических наук. 2013.

<sup>6</sup> Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори диссертацияси автореферати. -Тошкент: ТДИУ, 2017 йил. -66 бет. Қўзибоев Беҳзод Ҳамидович. “Минтақада хизматлар экспортини ривожлантириш истиқболлари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил

1-жадвал

Халқаро савдо динамикаси

Йиллар	Бутунжаҳон экспорти	Хизматлар экспорти	Умумий савдода хизматлар улуши
	млрд. АҚШ доллари		фоизларда
2019	25599,5	6278,5	24,5%
2020	23060,8	5189,2	22,5%
2021	28836	6256,5	21,7%
2022	32875,1	7218,4	22,0%
2023	32076,5	7822	24,4%
2023 йилда 2019 йилга нисбатан, фоизларда	125,3%	124,6%	-

Манба: [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/statistics2023\\_e.htm](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statistics2023_e.htm) сайту маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвалдан ўсиш суръатлари деярли яқин бўлганини кўриш мумкин, бироқ 2021-2023 йилларга алоҳида таҳлил этилса, Пандемиядан кейинги даврда хизматлар экспорт ҳажми ўсиш даражаси нисбатан юқори бўлгани кўринади. Агар умумжаҳон экспорти сўнгги 3 йилда 11,2 фоиз қўшимча ўсишга эришган бўлса, хизматлар экспорти ҳажмида ушбу рақамлар 25,0 фоизни ташкил этди. Албатта, 2020-2021 йил кўрсаткичлари юқори суръатларда пасайгани Пандемия, ҳамда унда белгиланган чекловларга юқори сезувчан бўлган хизмат турлари экспортининг пасайиши натижасида юз берди.

Хизматлар экспортининг 2 тури: транспорт ва туризм (саёҳат) ҳиссасига 2019 йилда жами хизматлар экспортининг қарийб 40 фоиздан юқори қисми тўғри келган (2-жадвал). Бу икки тармоқ эса COVID-19 натижасида киритилган чекловлар энг кўп таъсир этган соҳалар ҳисобланади.

2-жадвал

Халқаро хизматлар савдосининг тармоқ таркиби

Хизматлар турлари	Хизматлар экспорти ҳажми, млрд. АҚШ доллари		Умумий экспортда хизматлар улуши, фоизларда		2023 йилда 2019 йилга нисбатан хизматлар экспорти, фоизларда
	2019	2023	2019	2023	
<b>Жами хизматлар</b>	6278,5	7822	100,0%	100,0%	124,6%
Транспорт	1046,7	1352	16,7%	17,3%	129,2%
Саёҳат	1492,6	1521,4	23,8%	19,5%	101,9%
Товарлар билан боғлиқ хизматлар	236,9	273,1	3,8%	3,5%	115,3%
Бошқа хизматлар	3502,3	4675,5	55,8%	59,8%	133,5%

Манба: [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/statistics2023\\_e.htm](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statistics2023_e.htm) сайту маълумотлари асосида тайёрланган.

Юқоридаги рақамлардан кўришимиз мумкинки, халқаро уризм хизматлари ҳажми 2023 йилда 2019 йил кўрсаткичлари даражасига етган бўлса, транспорт хизматлари умумий хизматлар ўсишидан юқори суръатларда кенгайиб бормоқда. Натижада унинг улуши 0,6 бирликка ортиб, ҳажми 1,4 триллион АҚШ доллариغا етди. Ўсиш суръатидаги тавофутнинг юқорилиги хизматлар экспортининг географик таркибида ҳам кузатилади. Энг юқори улушга эга бўлган 5 мамлакат кўрсаткичлари таҳлил этилганида, сезиларли таркибий силжишлар кузатилмаган. АҚШ ўзининг етакчи позицияларини ушлаб туришга эришган, бироқ экспорт ҳжмининг ўсиш суръатлари бешлик учун энг паст бўлиб, 114,4 фоизни ташкил этган. Энг юқори ўсиш Ирландияда кузатилган бўлиб, 154,4 фоизни қайд қилган, шунингдек, мамлакат умумий экспортида хизматлар улуши бўйича ҳам у мазкур гуруҳда, 65,5 фоиз билан, энг юқори кўрсаткичга эришган (3-жадвал).

3-жадвал

**Халқаро савдонинг мамлакатлар кесимида**

Мамлакатлар	Хизматлар экспорти ҳажми, млрд. АҚШ доллари		Умумий экспортда хизматлар улуши, фоизларда		2023 йилда 2019 йилга нисбатан хизматлар экспорти, фоизларда
	2019	2023	2019	2023	
<b>Жаҳон</b>	<b>6278,5</b>	<b>7822,0</b>	<b>24,5</b>	<b>24,4</b>	<b>124,6%</b>
АҚШ	868,6	993,8	34,6%	33,0%	114,4%
Буюк Британия	427,1	581,0	48,1%	52,7%	136,0%
Германия	361,2	432,8	19,5%	20,1%	119,8%
Ирландия	257,2	397,2	60,3%	65,5%	154,4%
Хитой	281,7	379,6	10,1%	10,1%	134,8%

Манба: [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/statistics2023\\_e.htm](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/statistics2023_e.htm) сайми маълумотлари асосида тайёрланган.

Буюк Британия экспортида ҳам хизматларнинг улуши 50 фоиздан юқори эканини кўриш мумкин. Хизматлар экспорти ҳажми ўсиш суръатлари ҳам юқори бўлиб, ушбу икки мамлакат хизматлар экспортида етакчилардан саналмоқда.

**Хулоса ва таклифлар**

Бугунги кунда инсонлар турмуш тарзи глобал тус касб этмоқда, ҳамда инсонлар ва ресурслар мобиллиги ортиб бормоқда. Натижада нафақат товарлар, балки хизматлар бозорининг ҳам байналминаллашуви жадал суръатларда давом этмоқда. Транспорт харажатларининг арзонлашуви, умумий даромадлар даражасининг ортиши, ахборот коммуникация технологиялари тараққиёти эса туризм, таълим, соғлиқни сақлаш каби хизматларнинг халқаро миқёсда кенгайишига замин яратмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳар қандай мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантиришда глобал бозорнинг ушу жиҳатларига эътибор қаратмоғи лозим, айниқса, товарлар ташиш учун ноқулай географик жойлашувга эга Ўзбекистон мисолида мазкур масала янада долзарб аҳамият касб этади.

Шу сабабли хизматлар экспортида юқори натижаларга эришган илғор мамлакатлар тажрибаларини чуқур ўрганиш, улардан олинган хулосалар асосида миллий хизматлар бозорини ривожлантириш, айниқса, ЖСТга қўшилишда бу йўналишга зарурий эътибор қаратилмоғи лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Shostack, G. Lynn (1977), “Breaking Free from Product Marketing,” *Journal of Marketing*, 41 (April), 73–80;
2. Berry, Leonard L. (1980), “Services Marketing Is Different,” in *Marketing Management and Strategy: A Reader*, Philip Kotler and Keith K. Cox, eds. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 278–86
3. Dahringer, Lee D. (1991), “Marketing Services Internationally: Barriers and Management Strategies,” *Journal of Services Marketing*, 5 (3), 5–17.
4. Javalgi, Rajshekhar G. and Charles L. Martin (2007), “Internationalization of Services: Identifying the Building-Blocks for Future Research,” *Journal of Services Marketing*, 21 (6), 91–97;
5. Seggie, Steven H. and David A. Griffith (2008), “The Resource Matching Foundations of Competitive Advantage,” *International Marketing Review*, 25 (3), 262–75.
6. Styles, Chris, Paul G. Patterson, and Vinh Q. La (2005), “Exporting Services to Southeast Asia: Lessons from Australian Knowledge-Based Service Exporters,” *Journal of International Marketing*, 13 (4), 104–128.
7. Sharma, Arun, Nikolaos Tzokas, Michael Saren, and Panagiotis Kyziridis (1999), “Antecedents and Consequences of Relationship Marketing,” *Industrial Marketing Management*, 28 (6), 601–611.
8. Иванова Н.А. Основные тенденции развития торговли услугами в мировой экономике. Институт торговой политики НИУ ВШЭ Торговая политика. Trade policy / 2019. № 3/19. ISSN 2499-9415.
9. Денисова Е.М. Экспорт услуг: Основные тенденции в России/научная статья-Актуальные вопросы экономических наук. 2013.
10. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори диссертацияси автореферати. -Тошкент: ТДИУ, 2017 йил.-66 бет.
11. Қўзибоев Беҳзод Ҳамидович. “Минтақада хизматлар экспортини ривожлантириш истиқболлари”“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил.